

Қалблар тўғри йўлдан оғишган



12:11 / 24 август 847

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ғарбликлар яхшилик қилиш ва эзгуликка бўлган рағбатларини йўқотган, соғлом тамойиллар ва асосларни зое қилган, қалблари тўғри йўлдан оғишган, табиатлари бузилиб кетган вақтда илмфан ва кашфиётлар уларнинг зарарларини зиёда қилди, холос. Бу худди ширин озуқанинг ошқозони касал ва ўлат теккан одамнинг касалини ва фасодини қайталаганига ўхшайди. Ҳатто ана шу асбоблар ва кашф қилинган нарсалар уларга бошқаларни ҳалок қилишда тезлик ва кучни, ўз жонига суиқасд қилишда ёрдамни зиёда қилишдан бошқа нарса эмасдир. Жаноб Энтони Иден – Британиянинг собиқ Бош вазири 1938 йилдаги нутқидан бирида ана шу нарса ҳақда гапирган эди:

«Ушбу асрнинг охирларига келиб ер аҳолиси варварлик ва ёввойилик даврига қайтишга, тоғларга чиқиб кетиб ғорларда ҳаёт кечиришга яқин турибди. Шу нарса кишининг кулгисини келтирадигани, ўзига хавф солиб турган ҳалокатли асбобдан ўзини сақлаш учун давлатлар миллионлаб маблағни сарф қиладилар. Уларнинг устидан назорат қилиш учун эса ҳеч қандай сарфхаражат қилинмаётир. Мен баъзи пайтларда таажжубга тушаман ва: «Ўзга бир сайёралик ана шу янги оламга ташриф буюриб қолгудек бўлса нимани кўрар экан?» деб қоламан. Нимани кўрар эди: бир-биримизни ҳалок қилиш учун қуроляроқ тайёрлаётганимизни, ўшалар ҳақида маълумотлар алмашаётганимизни ва ана шу дўзахи асбоблардан қандай фойдаланишни бир-бирларимизга таълим бераётганимизнида!».

Эҳтимол жаноб Энтони Иден ана шу сўзларни гапираётганида цивилизациялашган дунё, энг аввал тинчлик элчиси, ҳазора ва янги оламнинг даъвогари бўлган Америка уруш асносида барбод қилиш ва қириб юбориш борасида кашф этилган барча ихтиролару асбоблардан ошиб тушадиган, қўрқинч ва даҳшатдан инсоннинг заковати ва хаёлига келмайдиган қуролни ишлатишини хаёлига ҳам келтирмагандир. Бу қурол атом бомбаси бўлиб, Америка уни илк бор Нью Мексика саҳроларида, иккинчи бор эса Япониянинг Хиросима ва Нагасаки шаҳарларида яшаётган одамлар устида синаб кўрди. Хиросима шаҳрининг мэри 1949 йилнинг 20 августида қилган билдиришига кўра 1945 йилнинг олтинчи августида ҳалок бўлган японларнинг сони 220 000 билан 240 000 нафар орасида бўлган.

«Олам ва одам, дин ва илм» китоби асосида тайёрланди

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 30 ноябрь 03-07/9089-сонли хулосаси асосида тайёрланди.